SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 45
(6197)
2025-yil
14-noyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

Туманимизни боғу роғларга айлантирамиз

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!”











Давлатимиз раҳбар ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” лойиҳаси бугунги кунда том маънода умуммиллий ҳаракат тусини олди. Президентимиз томонидан жорий йилнинг 26 сентябрида ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўчат экиш ишларини куз фаслида янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланиб, устувор вазифалар белгилаб берилди.Ушбу ташаббус доирасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича туманимиз фаоллари, депутатлар,нуронийлар,хотин-қизлар ва фаол ёшлар вакиллари туман аҳлига мурожаат билан чиқдилар. Ҳозирда туман бўйлаб ушбу лойиҳа доирасида кузги кўчат экиш мавсуми қизғин давом этмоқда. Жараённи янада жонлантириш мақсадида“Долзарб бир ойлик” акцияси ҳамда 8–9 ноябрь кунлари катта ҳашар ташкил этилди.Ҳашарда туман ҳокимлиги, барча корхона ва ташкилотлар жамоалари фаол қатнашдилар.

(Давоми 8-саҳифада)

► *Millatlararo totuvlik*

UMUMMILLIY BIRDAMLIK

10-15-noyabr kunlari mamlakatimiz boylab BAGRIKENGLIK HAFTALIGI otkazildi.

"Xalqaro bag'rikenglik kuni" munosabati bilan o‘tkazilayotgan "Bag'rikenglik haftaligi" doirasida tumandagi barcha ta'lim muassasalarida ushbu mavzuda ma‘naviy-ma‘rifiy tadbirlar tashkil etildi.

2

“ISTIQBOL” газетасига 2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Агар туман ижтимоий-маданий ҳаётидан хабардор бўламан;
турли касб эгалари, турли тақдирлар ҳақидаги мақолаларни ўқийман;
маънавиятимни юксалтираман, десангиз туман ижтимоий-сиёсий газетаси –

“ИСТИҚБОЛ”га 2026 йил учун обуна бўлинг!

ISTIQBOL
2025-yil 14-noyabr / Juma / № 45 (6197)

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

VII чақириқ Халқ депутатлари туман Кенгашининг 20-сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман фаоллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партиялар вакиллари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари иштирок этишди.









Кун тартибига мувофиқ сессияда Зангиота тумани ҳокими Эркин Рустамовнинг 2023-2025 йилларда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан мурожаати тингланди.

Туман ҳокими тақдим этган мурожаат кенг қамровли бўлиб, унда туманнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, аҳоли фаровонлигини ва соҳалар ривожини такомиллаштириш, ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга янада изчил татбиқ этиш, тадбиркорликни ривожлантириш билан туманни ишсизлик ва жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш мақсади таъкидланди.

– Хабарингиз бор, мамлакатимиз тараққиётига қаратилган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва замонавий инфратузилмалар яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда, – деди туман раҳбари ўз маърузасида. – Зангиота туманида ҳам ушбу стратегия доирасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишларида сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Туманда ҳар бир маҳалла, ташкилот, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорларнинг тизимли муаммолари ўрганилиб, қўшимча захира ва имкониятларни ишга солиш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, охирги уч йилда тумамизда саноат маҳсулотлари 1,8 баробар, хизмат кўрсатиш 1,6 баробар, қурилиш ишлари 1,3 баробар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса 1,2 баробар ўсди.

Ҳурматли Юртбошимиз хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ва музокаралар олиб бориш учун барча имкониятларни яратиб берганлар. Бундан фойдаланган ҳолда сўнгги уч йилда хорижий инвестицияларни жалб қилишни 3,3 баробарга, маҳсулотлар экспорти ҳажмини 1,7 баробарга оширишга эришдик.

Беш йил аввал аҳолининг 82 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса, бугуни кунда бу кўрсаткич 92 фоизга, табиий газ билан таъмилаш даражаси 87,5 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 100 фоизга етди.

Эришилган натижалар ҳисобига солиқ тушумларини кўпайтириш, инфратузилмалар билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш, аҳолини даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш имкони бўлмоқда... Эришилган ютуқлар ўзимизники, лекин йўл қўйилган камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Э. Рустамов мавжуд шарт-шароит ва имкониятлардан келиб чиқиб, салоҳият ва натижадорлик бўлмаётган бир қатор соҳалар бўйича таҳлилий-танқидий фикрлар билдирди. Йўл қўйилган камчилик ва хатоларни бартараф этиш чоралари юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Туман раҳбари ўз мурожаатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида оқсаётган жабҳаларга танқидий нуқтаи назарда тўхталар экан, уларни келтириб чиқараётган омил ва камчиликларнинг олдини олиш, муаммоларга вақтида чора кўриш лозимлигига алоҳида тўхталди ҳамда Президентимиз белгилаб берган устувор вазифалар ижросини туман миқёсида жадал, тизимли ва мукаммал бажарилиши юзасидан таклиф ва ташаббуслар билдирди.

Сессияда туман ҳокими тақдим этган мурожаат юзасидан депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Д. ШАРИПОВА.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси юртимизда Тиббиёт ходимлари куни сифатида эътироф этилган бўлиб, ҳар йили мазкур кун катта байрам сифатида нишонланади. Бу йил ҳам барча ерда бўлгани сингари туманимизда ҳам тиббиётчилар куни муносиб байрам қилинди.





Тумандаги мухташам “Нурҳаёт” кошонасига тизимда фаолият олиб бораётган соҳа фидойилари жамулжам бўлдилар. Тадбирда сўз олган туман ҳокими Эркин Рустамов аҳоли саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тиббиёт ходимларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг соҳанинг бир қанча фидойиларига мақтов ёрлиғи ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Тўкин дастурхон атрофида суҳбатлар қизигандан-қизиди. Санъат соҳасидаги иқтидорларини намойиш этган тиббиёт ходимларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

– Бир умр туман шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимида меҳнат қилиб келаяпман, – дейди олий тоифали шифокор Файзулла Эшонхўжаев. – Меҳнатларим туман ҳокимлиги томонидан муносиб баҳоланиб, эътироф этилганимдан бошим кўкка етди. Аввало, элнинг дуоси, раҳбариятнинг қўллаб-қувватлаши, қолаверса, соҳада яратилган яхши шарт-шароитлар биз шифокорларни янада ғайрат билан ишлашга чорлайверади. Осмонимиз тинч, халқимиз соғ-омон бўлсин. Шунингдек, туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти томонидан ташкил этилган мақтов ёрлиқларию эсдалик совғаларини олган ўн нафар фидойиларнинг бошлари кўкка етди.

Туман Маданият бўлимининг хушовоз хонандалари, Равшан Комилов сингари эл суйган, таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага байрам кайфиятини улашди.

Дилбар ШАРИПОВА.

UMUMMILLIY BIRDAMLIK



Xususan, har haftaning birinchi kuni maktablarda o‘tkaziladigan Kelajak soati mavzusi ham "Bag'rikenglik deb ataldi. Tolerantlik – bu bag'rikenglik demakdir. Ya'ni boshqalarni hurmat qilish, ularning fikri, tili, dini yoki urf-odatlari biznikidan farq qilsa ham ular bilan do'stona munosabatda bo'lish kerakligi haqida o'quvchilarga tushuncha berildi, suhbatlar o'tkazildi. Mehr-oqibat haqidagi videolavhadan esa yoshlar ancha ibrat oldilar

Tuman Ixtisoslashtirilgan maktabida ham “Bag‘rikenglik” mavzusida ochiq darslar tashkil etildi.Dars davomida o‘quvchilar insonlar o‘rtasida hurmat, mehr-oqibat va do‘stlik kabi qadriyatlarning ahamiyatini tushunib yetishdi.

O‘zbekiston – turli millat va elatlar tinch-totuv yashayotgan, bag‘rikeng birdamlik mamlakati!

Nasiba UBAYDULLAYEVA.

Zangiota tumani prokurori Alisher Jo`rayevning tuman aholisiga

MUROJAATI

O‘G‘IRLIK JINOYATLARINING OLDINI OLISH – HAR BIR FUQARONING BURCHIDIR!



Assalomu alaykum, hurmatli tumanimiz aholisi!

O‘g‘irlik – eng ko‘p uchraydigan mulkiy jinoyatlardan biridir. O‘g‘irlik – bu shaxsga tegishli mol-mulkni yashirin ravishda talon-toroj qilishdir. Amaldagi Jinoyat kodeksining 169-moddasiga ko‘ra, bunday harakat uchun:

yengil holatlarda jarima yoki axloq tuzatish ishlari;

og‘ir holatlarda esa ozodlikdan mahrum qilish jazosi belgilangan.

Tumanimizda o‘g‘irlik jinoyatlarining aksariyati fuqarolarimizning ehtiyotsizligi va xavfsizlik qoidalariga rioya qilmasligi sababli sodir bo‘lmoqda.

Har birimiz o‘z mulkimizni asrashda mas’ul bo‘lishimiz zarur. O‘g‘irlik nafaqat mol-mulkka, balki insonning ruhiyatiga, ishonchiga ham zarar yetkazadi. Jabrlanuvchida xavotir, qo‘rquv, jamiyatga nisbatan ishonchsizlik uyg‘otadi. Bu esa o‘z navbatida ma’naviy muhitning buzilishiga olib keladi.

Hurmatli vatandoshlar!

Tumanimizda o‘g‘irlik va boshqa jinoyatlarning oldini olish maqsadida:

mahallalarda “xavfsiz muhitni yaratish va huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish” bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar olib borilmoqda;

huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan profilaktik ogohlantirish tadbirlari o‘tkazilmoqda;

aholi mulkini qo‘riqlash bo‘yicha texnik nazorat tizimlari joriy etilmoqda;

ayniqsa, “qizil toifa” mahallalarda videokameralar va sun’iy intellekt tizimlari orqali nazorat kuchaytirilmoqda.

Ushbu turli jinoyatlarning oldini olish maqsadida, siz tumanimiz aholisidan:

ehtiyotkorlikni oshirishni, shaxsiy buyum va narsalarni qarovsiz qoldirmaslikni, eng muhimi, avtomobillarni ochiq holatda qoldirmaslikni so‘rab qolaman.

Hurmatli tuman aholisi!

Jinoyatlarning oldini olish faqatgina huquq-tartibot organlarining vazifasi emas, bu – barchamizning umumiy burchimizdir.

Ogohlik, hamjihatlik va faol fuqarolik pozitsiyasi orqali biz jinoyatchilikni kamaytira olamiz.

Aziz tumanimiz aholisi!

O‘g‘irlik jinoyatiga nisbatan murosasiz bo‘laylik, mulkimizni asraylik, farzandlarimizni halol mehnatga o‘rgataylik va jamiyatimizda xavfsiz muhit yaratishga hissa qo‘shaylik!

Zangiota tumani IIB boshlig'i Anvar Sultonovning tuman aholisiga

MUROJAATI

Assalomu alaykum, hurmatli Zangiota tumani aholisi va mehmonlari!

Muhtaram Prezidentimiz rahbarligida amalga oshirilayotgan islohotlar birgina maqsad sari – ya’ni xalqni rozi qilish va ularga yaqindan xizmat qi-



lishga yo‘naltirilgan bo‘lib, ikki asosiy masalaga – tinchlik-xavfsizlik va fuqarolarning salomatligiga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Jinoyatchilikni “mahallabay” jilovlash, aholining kunlik ijtimoiy-maishiy muammolarini “fuqarobay” hal etish borasida yangicha ishlash tizimi yaratildi.

Shulardan kelib chiqib, joriy yilning o‘tgan 10 oyi mobaynida tuman hududida huquqbuzarliklarni barvaqt profilaktika qilish bo‘yicha bir qator tadbirlar amalga oshirildi.

Bugun biz sizlarni hammamiz uchun muhim bo‘lgan masala – kiberxavfsizlik va internetdagi firibgarliklardan himoyalanish haqida ogohlantirmoqchimiz. So‘nggi yillarda internet hayotimizning ajralmas qismiga aylandi. Ijtimoiy tarmoqlar, onlayn to‘lovlar, elektron xizmatlar – bularning barchasi bizga qulaylik yaratadi.

Ammo afsuski, shu qulayliklardan kiberjinoyatchilar – internet orqali firibgarlik bilan shug‘ullanadigan shaxslar ham foydalanmoqda. Ular turli yo‘llar bilan fuqarolarning shaxsiy ma’lumotlarini, plastik karta raqamlarini yoki parollarini qo‘lga kiritishga harakat qiladilar.

Kiberjinoyat – kompyuter va tarmoqdan foydalanilgan holda sodir etiladigan jinoyat turidir.

Kiberjinoyat kimningdir xavfsizligi va moliyaviy holatiga zarar yetkazish maqsadida sodir etiladi. Maxfiy ma’lumotlar qonuniy tarzda himoyalangan hollarda sodir etiluvchi kiberjinoyatlar bilan bog‘liq ko‘pgina jinoyatlar mavjud.

Xalqaro miqyosda hukumat va nodavlat subyektlar ham kiberjinoyatlar, jumladan josuslik, moliyaviy o‘g‘irlik va boshqa transchegaraviy jinoyatlar bilan shug‘ullanadi.

Xalqaro chegaralarni kesib o‘tadigan va kamida bitta milliy davlatning xatti-harakatlarini o‘z ichiga olgan kiberjinoyatlar ba’zan kiberurush deb ataladi. Uorren Baffet kiberjinoyatni “insoniyatning birinchi raqamli muammosi” deb ta’riflaydi va “insoniyat uchun real xavf tug‘diradi” deb qayd etgan.

Masalan:

Soxta “bank xabarlari” yoki “pul yutug‘i” haqidagi SMS va xabarlar yuborishadi;

Sizni tanish odam sifatida aldagan holda, kartangizga “pul o‘tkazish uchun raqamingizni berasizmi?” deb yozishadi;

Ish yoki grant taklif qilgandek ko‘rsatib, sizdan to‘lov so‘rashadi.

Shuning uchun, hurmatli fuqarolar:

Hech qachon begona havolalarga kirmang va noma’lum fayllarni yuklab olmang.

Parollaringizni hech kimga bermang, hattoki yaqin insonlaringizga ham.

Bank kartangizdagi raqam va SMS kodlarni faqat o‘zingiz bilishingiz kerak.

Agar shubhali holatga duch kelsangiz, darhol “102” yoki “112” qisqa raqamlariga xabar bering.

Bolalaringiz va yaqinlaringizni internetdagi xavflardan ogohlantiring.

Eslab qoling: kiberxavfsizlik – bu faqat texnik masala emas; bu har birimizning hushyorligimiz va mas’uliyatimizdir.

ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАГАН МАСТЛИК

Самарқанд вилоятида яшовчи Ғ.Р. жорий йилнинг 4 сентябрь куни соат 02^{30} ларда маст ҳолда “Обод Тўқимачи” маҳалласининг боғдорчилик-узумчилик ширкатидаги уйларнинг бирида истиқомат қилувчи Х.О.га ишончнома орқали тегишли бўлган “Chevrolet Cobalt” русумли автомашинасининг ҳайдовчи томон чап эшиги ойнасини ғишт бўлаги билан уриб синдириб, автомашина эшигини очиб, калитлар ўз ўрнида қолдирилгандан фойдаланиб, автомашинани олиб қочади.

► *Инсон ва қонун*

Автомашинада бўлган Х.О.нинг хорижга чиқиш паспорти, “қора белбоғ соҳибини” тасдиқловчи гувоҳномаси, қора рангли чармдан ишланган эркаклар ҳамёни ва унинг ичида бўлган бир дона 100 АҚШ доллари пул маблағлари, бир дона виза банк пластик картасини ҳам ўғирлик йўли билан олади ва номаълум томонга яширинади.

Лекин у узоққа боролмади. Ғ.Р. автомашинани пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани, “Камолон” маҳалласида ҳайдаб кетаётганида рул бошқарувини эплай олмай йўл четига чиқиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этганида қўлга тушди.

Ғ.Р. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 1-қисмида, ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида ҳамда паспорт ёки бошқа муҳим шахсий ҳужжатларни қонунга хилоф равишда эгаллашда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган.

44 ёшида ҳам “ақли кирмаган” Ғ.Р. энди одил суд олдида жавоб беради.

Х.ЎРИНОВ,
туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси.

"Ўқувчиларимни халқаро майдонларда кўришни истайман" – дейди Марҳабо Ибрагимова

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ўқитувчиларнинг меҳнатини қадрлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Устозлар жамият тараққиётининг таянчи, келажак авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда энг муҳим ўрин тутади. Шу боис ўтган даврда ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи билан бир қаторда, уларга 10 дан ортиқ турли устамалар жорий этилди. Бу эса фидойи устозларнинг меҳнатини янада рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

► *Касб фидойилари*

Шундай замонавий, ўз устида тинмай ишлайдиган, касбига садоқатли устозлардан бири – Зангиота тумани ихтисослаштирилган мактаби информатика, робототехника ва сунъий интеллект фани ўқитувчиси Марҳабо Ибрагимовадир. У 2023 йилдан буён мазкур масканда фаолият юритиб келмоқда. Меҳнат стажи 12 йилни ташкил этади. Ёш бўлишига қарамасдан, у ўзининг илғор педагогик ёндашуви, инновацион фикрлаши ва янгиликка интилиши билан ҳамкасбларига ибрат бўлаётган ўқитувчилардандир.

Марҳабо Ибрагимова – нафақат ўз дарсларини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб боради, ўқувчиларнинг ижодкорлик салоҳиятини очиш, уларни илмга, ихтирочиликка ва янгилик яратишга ундайди. У ўқувчиларда робототехника ва сунъий интеллектга қизиқишни уйғотиш орқали бир қанча амалий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этди. Улардан "Ақлли ҳасса" (кўзи ожизлар учун), "Ақлли уй" каби ихтиролар алоҳида эътиборга лойиқ.

2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамкорлигида АМИТИ университетида ташкил этилган "AMITY AI, IoT, Robotics course" дастурини муваффақиятли тамомлаб, сертификатни қўлга киритди. Шу йили у "Google Certified Educator" халқаро сертификатига ҳам эга бўлди.

Марҳабо Ибрагимова бу борада шундай дейди:

"Ҳозирда ўз устида ишлайдиган ўқитувчиларга яратилган шароит ва рағбатлантиришлар етарлича. Энг муҳими, меҳнат қадрланмоқда. Халқаро сертификатларни қўлга киритган, ўз малакасини ошириб бораётган устозлар бугун 1000 долларгача ойлик маош олиш имкониятига эга. Бу каби сертификатлар нафақат билимларимизни оширади, балки дарс жараёнини янада самарали, тушунарли ва қизиқарли олиб боришга ёрдам беради."



Марҳабо Ибрагимова бошчилигидаги ўқувчилар мактаб, республика миқёсидаги турли танлов ва олимпиадаларда ҳам фаол иштирок этиб, ютуқларга эришмоқдалар. Жумладан, 2024–2025 ўқув йилида 11-синф ўқувчилари Ж.Умаров ва И.Икромовлар "Robo-Codding" олимпиадасининг вилоят босқичида 3-ўринни эгалладилар. Бу натижалар устознинг юксак масъулият ва касбий маҳоратини яққол намоён этади.

Марҳабо Ибрагимова 2023–2024 ўқув йиллари давомида "Amity University" томонидан ташкил этилган "Hackathon" мусобақасида, "Robbo-Fest" робототехника фестивалида, шунингдек, пойтахтда ўтказилган "Maker Faire" халқаро фестивалида ўқувчилари билан биргаликда фаол иштирок этди. У бу жараёнларда ёшларнинг технологик тафаккурини ривожлантириш, уларни жамоавий ишлашга ўргатиш, ижодий ғояларни амалиётда синовдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратади.

Устознинг фаолияти билан танишар эканмиз, унинг касб танлашида оила муҳитининг ҳам катта ўрни борлигини билиш мумкин. "Биринчи устозим – дадам. 1998 йилда, 3-синфда ўқиб юрган пайтимда, мени компьютер курсларига олиб борган эдилар," – дейди Марҳабо Ибрагимова. Шунингдек, бобоси Аллаберган Ибрагимов ҳам ўз даврининг таниқли математика фани ўқитувчиси бўлган. Унинг шогирдлари устозини чуқур ҳурмат қилган, айнан шу меҳр ва эҳтиром Марҳабо Баҳадировнага ҳам илҳом манбаи бўлган.

– "Мен ўқувчиларимни халқаро майдонларда кўришни, уларнинг ғоялари орқали Ўзбекистон нуфузини оширишни истайман. Шунингдек, янги халқаро сертификатлар олиш, таълимдаги инновацион ёндашувларни ўзлаштириш устида тинмай ишлайман. Бу нафақат шахсий ютуқ, балки дарс жараёнини янада самарали қилиш, ўқувчиларга дунё миқёсидаги билимни етказиш учун ҳам муҳимдир", – дейди ижодкор ўқитувчи.

Бугун Марҳабо Ибрагимова билимли педагог, ёшлар орасида технологияга меҳр уйғотаётган, уларни ижодкорликка ундаётган ҳақиқий фидойи ва замонавий устоз сифатида эътироф этилади.

Яна бир гап. Яқинда Марҳабо Ибрагимова ўз ихтиролари билан "Йил аёли-2025" танловининг туман босқичида иштирок этди ва ғолибликни қўлга киритди. Устозга танловнинг кейинги босқичларидан ҳам муваффақиятли ўтишида омад тилаймиз.

Ирода АБДАЗИМОВА



► *So`z – seminar ishtirokchisiga*

YETAKCHI CAMP – YOSHLAR UCHUN KENG IMKONIYATLAR

Yoshlar siyosatini mahallalarda samarali tashkil etish, ularning ijtimoiy faolligini oshirish va Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biridir.

Aynan shu maqsadda "Yoshlar ishlari agentligi" hamda "O'zbekiston yoshlar yetakchilarini qo'llab-quvvatlash markazi" tomonidan 2025-yil 3–8-noyabr kunlari Toshkent viloyatining Bo'stonliq tumanida joylashgan "Yoshlar oromgohi"da "YETAKCHI CAMP" o'quv seminari tashkil etildi.

Ushbu loyiha mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan yoshlar yetakchilarining bilim va salohiyatini oshirish, ularni shaxsiy rivojlanish, zamonaviy boshqaruv, media savodxonlik, startap loyihalar yaratish, psixologiya kabi yo'nalishlarda zamonaviy ko'nikmalarga ega bo'lishini ta'minlashga qaratilgan. "Yetakchi Camp" – yoshlar uchun o'z salohiyatini ochish, tarmoq (networking) yaratish va yangi imkoniyatlarga yo'l ochuvchi loyiha hisoblanadi.

O'quv-seminarga respublikaning barcha hududlaridan 4000 dan ortiq yosh ariza topshirgan bo'lib, ularning orasidan 5 bosqichli saralash jarayoni natijasida eng faol, tashabbuskor va bilimli 100 nafar yosh birinchi mavsumda qatnashish imkoniga ega bo'ldi.

Quvonarlisi, ushbu faxrli ishtirokchilar safida men – Zangiota tumanining yoshlar yetakchisi ham borligimdan faxrlandim. Seminar davomida turli hududlardan kelgan faol yetakchilar bilan tajriba almashdik, mahallalar miqyosida yoshlar bilan ishlashda samarali yondashuvlarni o'rgandik.

Mashg'ulotlar davomida psixologiya, shaxsiy rivojlanish, media va kommunikatsiya, boshqaruv, startaplar va loyihalarni amalga oshirish kabi mavzularda malakali mutaxassislar tomonidan treninglar tashkil etildi.

Men ushbu seminar orqali o'z bilimimni yanada boyitdim, yangi g'oya va tashabbuslarni rejalashtirdim. Endilikda o'rgangan tajribamni tumandagi yoshlar yetakchilari bilan bo'lishish, mahallamiz yoshlari uchun foydali tashabbuslarni amalga oshirishni maqsad qilganman.

Seminar yakunida esa o'qishni muvaffaqiyatli tamomlagan yetakchilarga maxsus sertifikatlar topshirildi.

Shu kunlarda "Yetakchi Camp" loyihasining keyingi bosqichi uchun saralash jarayoni boshlangan bo'lib, bu esa yoshlar uchun o'z ustida ishlash, shaxsiy va kasbiy jihatdan o'sish, jamiyatda faol ijtimoiy pozitsiyani shakllantirish uchun yangi imkoniyat demakdir

Nizomiddin MUHIDDINOV,
"Shodlik" mahallasi yetakchisi,
tuman Kengashi deputati

► *Куз – саховат фасли*



ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Тумандаги "Саъдия кидс" хусусий мактабгача таълим ташкилотида "Ҳосил байрами" бўлиб ўтди.

Тадбирда тарбияланувчилар, ота-оналар ва тарбиячилар фаол иштирок этишди. Боғча ҳовлиси ранг-баранг сабзавотлар, мевалар, дон маҳсулотлари, гуллар ҳамда миллий безаклар билан байрамона безатилди. Болажонлар "Меҳнат қилган – роҳат топар", "Ҳосил мўл бўлсин" каби шиорлар остида саҳна чиқишларини намойиш этишди, она табиат, меҳнатни улуғлаш ҳақида шеърлар ёд олишди, рақслар ижро этишди ва мевалардан тайёрланган турли композицияларни намойиш қилишди.

"Ушбу байрам орқали болаларни меҳнатсеварликка, она табиатга меҳрли бўлишга ундаш мақсад қилинган",-дейди боғча мудираси Раҳбар Тожибоева.

Тадбир сўнгида фаол иштирок этган тарбиячилар ҳамда болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

Умида АБДУҲАКИМОВА.

Қалб билан чизилган мўъжизалар

Рассомчилик – бу сабр, дид, тасаввур ва юракнинг уйғунлигидан туғиладиган санъатдир. Бу қобилият инсонни бошқалардан ажратиб турадиган, унга дунёни ўз нигоҳи билан кўриш имконини берадиган ноёб неъматдир. Рассомчилик қобилиятига эга инсонлар ҳар бир нарса ортида гўзалликни кўради, оддий манзарадан ҳам санъат асари яратади.



Шундай истеъдод эгалари орасида ёш, аммо ғайратли ва иқтидорли рассом Шаҳноза ҳам бор. У ҳозирда 17 ёшда бўлиб, туманимиздаги 9-мактабда таҳсил олади. Рассомчилик билан болалигидан шуғулланиб келаётган Шаҳноза бугун ўзининг ноодатий истеъдоди – бир вақтнинг ўзида қўл ва оёқлари билан расм чизиш маҳорати билан ажралиб туради.



Шаҳноза бу санъат йўлига меҳр ва ишончни устозлари орқали топган. У шундай дейди: “Рассомчиликка бўлган меҳримни Феруза Нарзиева устозим янада оширганлар, бунга мен доим миннатдорман. Мени расм чизишнинг ҳақиқий сеҳрига ишонтирган инсонлар – устозларим.”

Бугун Шаҳноза ўз ижод йўлида энг катта илҳом манбаи деб Шоҳрух Суюновни эътироф этади. Айни унинг ижоди ёш рассомга катта руҳий туртки берган.

“Бир куни устозим Шоҳрух Суюновнинг ноодатий услубдаги портретларини ижтимоий тармоқларда кўриб қолдим. Бу менга ғоят кучли илҳом берди. Мен ҳам шу йўналишда ўзимни синаб кўришга қарор қилдим. Аввалига қийин бўлди, чизиқлар ўхшамасди, лекин сабр ва ишонч билан давом этдим. Энди эса бу менинг ўз услубимга айланган,” – дейди Шаҳноза фахр билан.

Рассомчилик йўлида Шаҳнозанинг меҳнати ва қатъияти ўз самарасини бермоқда. У мактаб деворларига ҳам чиройли расмлар чизиб, мактаб муҳитига эстетик гўзаллик бахш этмоқда. Ёш рассом нафақат ўз устида мунтазам ишлайди, балки санъат орқали атрофдагиларга ижобий таъсир ўтказишни ҳам мақсад қилган.“Мен учун расм чизиш – шунчаки қоғоз ва қалам эмас, бу менинг ички дунёим, ҳис-туйғуларимни ифода этиш йўли. Ҳар бир чизиғимда орзуларим, қувончим ва дардим мужассам,” – дейди у самимият билан.

Келажакда Шаҳноза ноодатий портрет жанрида чизган расмлари билан халқаро танловларда иштирок этиб, Ватанимизнинг номини юксалтиришни ният қилган. У, шунингдек, Зулфияхоним номидаги Давлат мукофотини қўлга киритишни, ёшлар учун ўрнак ва илҳом манбаи бўлишни орзу қилади.

“Ижодкор бўлиш – бу фақат истеъдод эмас, бу жасорат. Мен оддий нарсаларга ҳам бошқача нигоҳ билан қарашни, ҳар бир ранг орқали ҳаётни ҳис қилишни яхши кўраман,” – дейди ёш рассом.

Шаҳнозанинг сўзлари, меҳнати ва орзулари шундан далолат беради, ҳақиқий санъат инсон қалбида яшайди. Рассомчилик унинг учун нафақат машғулот, балки ҳаёт маъносига айланган.

Ирода АБДАЗИМОВА

► *Ўрганиш*

РЕКЛАМАЛАР ТЎҒРИ ЁЗИЛАЯПТИМИ?

Реклама бугунги замон ҳаётининг ажралмас қисмига айланган, у нафақат маҳсулотни танитади, балки инсонларнинг ҳаёт тарзига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам реклама тўғри, ҳалол ва фойдали маълумот беришга хизмат қилиши керак. Бу сафарги тадбиримиз шунга бағишланди.

Маълумки, жамиятимиз томонидан мунтазам равишда жамоатчилик назорати тартибида мониторинг ва амалдаги қонунлар ҳамда норматив ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчиликка тарғиб қилишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, туманимиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи ҳамда ишлаб чиқариш саноатлари субъектлари томонидан реклама ва баннерлар, пешлавҳалар ўрнатишда “Реклама тўғрисида”ги қонун талабларига мос равишдалиги ўрганилмоқда.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг Давлат тилида тарқатилади. Реклама мазмунининг бошқа тиллардаги таржимаси матни унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги керак. Ташқи реклама орқали жойлаштириладиган рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реклама матнининг пастки қисмида горизонтал ҳолда жойлаштирилади ва умумий реклама майдонининг қирқ фоизидан ошмаслиги керак.

Туманимиз ҳудудида ўрнатилган баннерлардаги рекламаларни ўрганиб чиқиш жараёнида бир қатор хато ва камчиликлар аниқланди. Бу борада тадбиркорларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсадимиз реклама фаолиятини тартибга солиш, ёлғон ёки тақиқланган рекламаларнинг олдини олишдир.

Аваз ХОЛМАТОВ,
Зангиота тумани
Истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
жамияти раиси.


“Воркаут” майдончаси барпо этилди

Вилоят бўйлаб “Беш ташаббус” олимпиадаларидаги ғолибликлар ва ташаббусли бюджет лойиҳаларида эришилаётган натижалар туфайли спорт инфратузилмалари сони ортиб бормоқда.

► *Туҳфа*







Бугунги кунда ёшлар ва аҳоли учун соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга йўналтирилган замонавий спорт майдончалари ва “Воркаут” майдонлари яратилаётгани қувонарли ҳолдир.

Шу жараённинг ёрқин намунаси сифатида Зангиота туманида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ўратепа” маҳалласи аҳолиси ва ёшлари ўзининг фаоллиги, жипслиги ҳамда ташаббусли бюджет лойиҳасида ғолиб бўлгани натижасида маҳаллада замонавий “Воркаут” майдончаси барпо этилди.

Ушбу майдонча нафақат ёшлар, балки катталар учун ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спорт билан шуғулланиш ва бўш вақтни фойдали ўтказиш имконини яратади.

Туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати

► *Ogohlik*

IS GAZIDAN ZAHARLANMANG

Kuz-qish mavsumi is gazidan zaharlanishlar, buning oqibatida hayotdan koz yumish hollari sodir bo`ladigan mavsum. Ammo hali qish mavsumi kelmasdan turib Qoraqolpog`istonda bir oilaning 3 nafar a`zosi, Jizzaxda yosh kelin-kuyovlarning is gazidan zaharlanib vafot etish holati barchani larzaga soldi.

Is gazi nima o`zi? Is gazi rangsiz, ta`msiz, hidsiz zaharli birikma hisoblanadi. Shamollatish tizimi yaxshi ishlamaydigan organik moddalar ishlab chiqariladigan korxonalar, avtoturargohlar, yangi bo`yalgan va shamollatilmagan xonalar, uy sharoitida dudburonlarning tozalanmasligi natijasida tabiiy gazning yonishi to`silib, to`liq yonmasligi oqibatida is gazi yuzaga keladi. Uning eng kam miqdori ham insonlarni zaharlashga yetarli bo`ladi.

Xona sharoitida uyqu bosishi, bosh og`rig`i, loxas bo`lish holatlari is gazidan zaharlanishning birinchi alomati hisoblanadi.


Zangiota tumani Favqulodda vaziyatlar bo`limi xodimlari tomonidan “mahallabay, ko`chabay, xonadonbay” tamoyili asosida is gazidan zaharlanishning oldini olish maqsadida tuman xududidagi 60 ta mahallada joylashgan 729 ta ko`chada fuqarolar bilan suhbatlashildi, 35 ming 727 ta xonadonda profilaktik tushuntirish ishlari olib borildi. Hozirda profilaktik ishlar davom ettirilmoqda.

Asomiddin TOSHBOYEV,
tuman FVB Profilaktika va
nazorat bo`linmasi
katta inspektori.

ISTIQBOL

2025-yil 14-noyabr / Juma / № 45 (6197)

Қон олувчи шифокор идиши
Елим тури
"...-ба-ди айтиш-ди"
Ҳинд филь-ми
Ахборот узатиш қонуниятла-ри ҳақидаги фан
Ислом-ий фарз
Фазо-вий
Қишнинг биринчи ойи
Бензин идиши
Порт-ловчи мосла-ма
Нефть қазиш асбоби
Сигир (шева.)
Тамом, якун
Замона-вий ром фирма-си
Мил-лат (Хитой)
Жино-ятчи-ликка оид
"Осмон узоқ - ... қаттиқ"
... Со-биров (хонан-да)
Жой-лашмоқ (поэтик)
Ҳурмат-ли, азиз
Кели-шик қўшим-часи
"... қалъаси маҳбуси" (кино)
Тола, тук
Олий илмий даража
... Цзе-дун (арбоб)
Терла-ма (ка-саллик)
Хаме-леон
Юнон ҳарфи
Швед квар-тети
Бўлиши эҳти-мол, жоиз
Брази-лия футбол-чиси
Йўна-лиш
Сув ва тупроқ
Қара-моғига олиш
Шойи тасма
Катта ўғил
...-За-махша-рий (аллома)
Кенг хона
Бўлди қил!
Жан. Корея пойтах-ти
...-эътиқод
Азоб-...
Физи-ка бўлими
Амал-сиз
Ҳинди-хитой-даги давлат
Афиша, рекла-ма
Тоҳир ... (ёзувчи)
Япония тоғ тиз-маси
Илмий рисола, дарслик
"Олтин олма, ... ол!"
Авто-мат русуми
З-шахс, кўплик шакли
"Меҳмон ...йи ху-до"
... Му-кержи (актри-са)
Хон, амир
"... бола элга манзур"
Қўшим-ча исм
Бўйин эгиш, тобелик
Нима (қисқача)
Жоду, сеҳр
Япони-ядаги шаҳар
Рекла-ма ...лари





Қалбларга нур берар китоб зиёси



Туманимиз маҳаллалари ичида қалбан, жисман бир-бирига яқин икки маҳалла бор. Кўпчилик бу маҳаллаларнинг аҳолисини адаштириб ҳам қўяди. Бу – ҳар бирида 60 га яқин кўз бўйича ногиронлиги бўлган фуқаролар истиқомат қиладиган “Катта чинор” ва “Сортепа” маҳаллаларидир. Йил бошида 10-сайлов округи депутати Гулнора Турсунова билан ўтказилган суҳбат жараёнида ана шу фуқаролардан мўъжаз бўлса ҳам, “брайл” алифбосидаги янги адабиётларни ўзида жамлаган кутубхона ташкил этилишини сўраб мурожаат тушган эди.











Ушбу мурожаат бўйича депутат ўз таклифини юқори турувчи ташкилотларга йўллади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламент комиссиясининг 2025 йил 9 июлдаги қарорига асосан Зангиота туманидаги “Катта чинор” ва “Сортепа” маҳаллаларида истиқомат қилувчи кўзи ожиз фуқаролар учун маҳалла кутубхонаси ташкил этиш мақсадида грант маблағлари ажратилди.

Ижтимоий кўмак жамғармаси ходимлари ҳамда Тошкент вилояти “Novel Writer” ижодий маркази раҳбари Ғофур Пўлатовларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ 13 ноябрь – Бутунжаҳон кўзи ожизлар куни муносабати билан ҳар икки маҳалла биносида ихчам зиё масканлари фойдаланишга топширилди.



“Ўзбекистон-2030” стратегиясида инсонпарвар жамият тузишда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама, жумладан, маънан қўллаб-қувватлаш ва мамлакатда маънавий барқарорликни таъминлаш асосий вазифа сифатида белгилаб берилган. Шунга кўра амалга оширилган бу хайрли тадбир кўплаб фуқароларнинг кўнглидаги иш бўлди.

Ҳар бир маскан учун ажратилган хоналар мебель жиҳозлари, ноотбук, кондиционер ва замонавий кўринишдаги китоб жавонлари билан таъминланди. 25 номга яқин “брайл” ёзувидаги 100 дан ортиқ китоблар, 2000 дан ортиқ аудиоасарлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан совға қилинган 15 миллион сўмлик 500 дан ортиқ бадиий адабиётлар эндиликда маҳалла аҳлининг ҳақиқий бойлигига, қувончига айланди.

Зиё масканларининг очилиши муносабати билан таклиф қилинган аҳоли вакиллари юзларидан уларнинг жуда мамнунлиги, ҳар бирининг қалбига нур киргани сезилиб турарди. “Брайл” ёзувидаги адабиётларни варақлаб, завқ билан ўқишга киришиб кетган китоб шайдоларини кўриб бизнинг ҳам кўнглимиз шод бўлди.

– Мен ўзим китоб ўқишга жуда қизиқаман, туман марказига иш билан борганимда у ердаги 2-сонли кўзи ожизлар кутубхонасидан адабиётлар олиб келар эдим, – дейди “Катта чинор” маҳалласида истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногирони Феруза Джабборова, – Лекин у ердаги барча китобларни деярли ўқиб бўлган эдим. Ўз маҳалламизда шундай кутубхонанинг очилиши, яна камига аудиоасарларни тинглаш имкони, янги адабиётларнинг кўплиги мени жуда қувонтирди. Ҳозирдан барча китобларни ўқигим келяпти.

– Туманимизда ногиронлиги бўлган фуқаролар учун жуда кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда. Бугун маҳаллаларда ташкил этилган мўъжаз кутубхоналар ҳам давлатимиз томонидан, ҳокимлик томонидан берилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг бир кўринишидир. – дейди Зангиота тумани кўзи ожизлар жамияти раҳбари Йўлдошхон Файзиев. – Кўришида нуқсони бўлган фуқаролар учун ташкил этилган ушбу туҳфадан кўнглимиз тоғ бўлди. Бунинг учун барча масъулларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

– Кимгадир ваъда бериб, уни бажара олмаслик инсонни жуда қийин аҳволга солади, лекин кичкина бўлса ҳам айтилган ваъдани амалга ошганини кўриш, кўпчиликнинг қувончига шерик бўлиш – бу жуда ҳам тотли туйғу, – дейди туман Кенгаши депутат Г. Турсунова. Ҳа, бу туйғу тадбир иштирокчилари барчасининг қалбига кўчди. Биз эса қалб кўзи-ла оламни идрок этаётганларнинг ҳаётлари янада мазмунли, мўъжазгина кутубхона ҳамиша гавжум бўлишини тиладик.

Дилбар ШАРИПОВА.

KITOB KARVONI – ZANGIOTADA

“Kitob karvoni” aksiyasi doirasida Toshkent viloyati Maktabgacha va maktab ta’limi boshqarmasi tomonidan Zangiota tumanidagi umumta’lim maktablari o‘quvchilari uchun 80 turdagi jami 3 200 dona badiiy adabiyot va ertak kitoblari yetkazib berildi.

► *Aksiya*





Mazkur ezgu tashabbus yosh avlodda kitob o‘qishga bo‘lgan qiziqishni oshirish, ularning ma’naviy dunyosini boyitish hamda fikrlash doirasini kengaytirish maqsadida amalga oshirilmoqda.

F. ABDUVALIYEVA,
tuman MTTB
uslubchisi

► *Эълонлар*

Тошкент вилояти Зангиота тумани нотариуси Юлдашева Зилола Аловутдиновна нотариал идорасида мархум 24.03.2025 йилда вафот этган Хайдаров Махмуджон Хаитович номига мерос иши очилганлигини маълум қилади ва меросхўрларнинг нотариал идорасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Телефон +998933910466.

Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмасининг 16.06.2000 йилдаги 40-сонли Гувоҳнома ва Устави йўқолганлиги маълум қилинади.

ISTIQBOL
2025-yil 14-noyabr / Juma / № 45 (6197)

Yashil makon

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!”

Жорий куз мавсумида туманимизда 404 минг 400 туп мевали, манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган бўлиб, шу кунгача 14 минг 850 туп бута, терак ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Кўчат экиш ишларида иқтисодиёт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги ташкилот ва корхоналар, тижорат банклари жамоалари ҳам муносиб тарзда ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Айниқса, жойларда маҳаллалар фаоллари жамоатчилик асосида оммавий ҳашарлар уюштириб, ўз ҳудудларини кўкаламзорлаштириш билан бирга ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айни вақтда, айрим маҳалла, кўча ва гузарларда бўш турган, дарахт экилмаган жойлар ҳам кўп. Эндиги вазифамиз ушбу жойларни боғ-роғларга айлантиришда маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, ҳудуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларни кенгайтиришдан иборатдир.

Бу муҳим тадбир туманимизнинг она табиатга меҳрли бўлган бирорта фуқаросини бефарқ қолдирмаслиги керак. Давлатимиз раҳбарининг: “Мен ҳурмат қиладиган ва ишонадиган маҳалла раислари бу масалага жонкуяр бўлишлари керак. Ҳар бир хонадон йилига иккитагина дарахт эксин, ҳар бир ташкилот ўнтагина дарахт эксин. Ҳамма ўрнак бўлиши керак. Бу масалага жамиятда ҳеч ким бефарқ бўлмаслиги керак. Шундай муҳит яратишимиз кераккки, дарахтга бўлган муносабатни уйимиздан, оиламиздан, неварамиздан, фарзандимиздан, жамиятимиздан, маҳалламиздан бошласак, ўйлайманки, ютуқ, натижа биз кутгандек бўлади”, деган кўрсатмаларига “лаббай” деб жавоб берсак, кузги дарахт экиш мавсумида фаол иштирок этсак, келгусида юртимиз кўркам боғу роғларга айланади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)











Зеро, туманимизнинг бундан-да обод, аҳолимизнинг бундан-да бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши, фарзандларимизнинг порлоқ келажаги эса бугун барчамизнинг она табиатга бўлган муносабатимизга бевосита боғлиқдир.

Президентимизнинг хайрли ва эзгу ташаббусларидан руҳ олиб, барчангизни, бутун элюртимизни “Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!” деган олижаноб ғояни қўллаб-қувватлашга чақирамиз!

Жангали АНУАРОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Зангиота тумани инспекцияси бошлиғи.

► *Турмуш чорраҳаларида*

БИЗГА АЛИМЕНТ ЭМАС, ОТА КЕРАК





Нигора онаси билан хорижга ишлашга кетганида эндигина мактабни битирганди. Отасининг вафотидан кейин ота ҳовлисига қайтиб келган онаси укасининг уйига сиғмади.

– Рўзғоримиз сизнинг бўйингизда бўлади, шунга кўнсангиз уйимиздан жой бераман, – деди ука опасига. – Кўриб турибсиз ўзи ногиронман, катта рўзғормиз, коммунал тўловлар, солиқлар етиб ортиб турибди.

Аёл онаси раҳматлик яшаган бир хонали кичкинагина уйга сиғдирмаган укасидан хафа бўлди, лекин ноилож, унинг шартига кўнишга мажбур бўлди. Кўчиб келди. Ишга кирди. Лекин унинг топгани катта рўзғорга юқ ҳам бўлмасди. Аксига олиб қизига ҳам тузукроқ иш топилмади. Охири хорижга кетишга мажбур бўлди.

– Чет элдан яхшигина пул ишлаб келасиз, опа, – деди укаси уларни кузатаркан. – Топганингизни менга юбориб турсангиз, рўзғоримга ҳарна бўлади, келгусида ҳовлимдан яхшироқ уй ҳам қуриб берарман, қизингизни узатсангиз, бағримизда яшайверасиз.

Хорижда унга кекса бир аёлга қарашликни таклиф қилишди. Кампирнинг турмушга чиқиб кетган икки қизи бошқа ерда яшашар, ёши 70 дан ошган она шу ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи тураркан. “Қизинг ҳам майли шу ерда қолсин, уй-жойда яшаш текин, еб-ичишларинг бизнинг ҳисобимиздан. Фақат уй ишларини қилиб юрса бўлди”, дейишди. Аёлнинг бунга кўнмасликнинг иложи ҳам йўқ эди.

Ўжар кампирнинг кўнглига қараш, ҳашаматли ҳовлидаги уй юмушларини бажариш тўлачадан келган аёлга оғирлик қилар, тобора тинка-мадори қуриб борарди. Қизининг кундузлари уй ишларини қўл учида бажариб, кейин кўчага чиқиб кетишлари онани ташвишлантирар, тергаса, қизи:

– Бу ерда ўтираверіб зерикиб кетаяпман, ёш бўлсам, нима тоза ҳаводан нафас олишга ҳаққим йўқми, ўртоқларимдан ажратиб олиб келган бўлсангиз, менинг ҳам ўйнаб-кулгим келади, энди бировнинг уйини тозалайман деб ўлиб кетишим кераккми, – дерди жаҳл билан лўппи гавдасини терс буриб.

Орадан ойлар ўтди. Бир куни Нигора онасига дабдурустдан: “Турмушга чиқмоқчиман”, – деди. Онасининг оқ-сариқдан келган думалоқ юзи гезарди. Қизининг асл ранги қанақалигини упа-элик, ясама киприк, лаб бўёқлари яширган юзига боқиб, узоқ йиғлади. “Сени шу умидлар билан катта қилганмидим”, – деди. “Сиз вооп-ше, аралашманг, энди мен ёш бола эмасман” деди-да, қизи шартта бурилиб кетди. Ортидан онаизор “қаёққа?” деганича қолаверди.

Эртасига ўрта бўйли, озғин, рангпар, чўзинчоқ юзли йигит келиб ўзини таништирди. Ота-онаси юртидалиги, ўзи бу ерга ишлаш учун келганлиги, уйидагилар ҳам бу тўйга розилигини айтди. Аёл ноилож қолди.

Бу хабарни эшитиб аввалига тоғасининг жаҳли чиқди. Кейин ниманидир режа қилган шекилли рози бўлди. Ахир опаси ҳар ойда топганини тийин-тийинигача юбориб турган бўлса. Шу қизни бир амаллаб узатса бўлди, кейин опасининг то ўла-ўлгунча топгани уларники бўлади.

Тўйнинг барча харажатларини куёв томон ўз гарданига олди. Нигора уйдан фақат бир нечта кўйлагию аввалдан йиғиб қўйган бир сумка парфюмериялар билан чиқиб кетди.

(Давоми бор.)

Жамила АРСЛОНОВА.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Navbatchi: Jamila ARSLONOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-1014.

ISSN 2181-61820